**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИҚУЛОВ ЁЛҚИН ҚОДИРОВИЧ

УЧ ЎЛЧОВЛИ ФАЗОДА АРАЛАШ ТИПДАГИ ЮКЛАНГАН ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТРИКОМИ ВА ГЕЛЛЕРСТЕДТ МАСАЛАЛАРИ

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона–2022

УДК: 517.956

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико – математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophi (PhD) on physical – mathematical sciences

Аликулов Ёлқин Қодирович
Уч ўлчовли фазода аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалалари 3

Аликулов Ёлкин Кодирович
Трёхмерные аналоги задачи Трикоми и Геллерстедта для нагруженных уравнений смешанного типа 23

Alikulov Yolkin Kodirovich
Three-dimensional analogs of the Tricomi and Gellerstedt problem for loaded equations of mixed type 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИҚУЛОВ ЁЛҚИН ҚОДИРОВИЧ

УЧ ЎЛЧОВЛИ ФАЗОДА АРАЛАШ ТИПДАГИ ЮКЛАНГАН ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ТРИКОМИ ВА ГЕЛЛЕРСТЕДТ МАСАЛАЛАРИ

01.01.02 - Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона–2022

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosofy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/FM288 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исломов Бозор Исломович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Фаёзов Қудратилло Садридинович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Каримов Шахобиддин Туйчибоевич физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.:(+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (180 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19- уй. Тел.:(+99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2022 йил «16» август куни тарқатилди.
(2022 йил «16» август даги 1 рақамли реестр баённомаси).

А. К. Уринов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

И.У.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда математик-физика ва биологиянинг кўплаб муҳим муаммоларини ўрганиш иккинчи ва учинчи тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этишга олиб келинади. Бунда юкланган аралаш параболик-гиперболик ва эллиптик-гиперболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ер ости сувларини узоқ муддатли таҳлил қилиш ва тартибга солиш муаммоларида, заррачаларнинг ҳаракатланиш жараёнларини моделлаштиришда, иссиқлик ва массани чекланган тезликда ўтказиш муаммоларида, ғовак муҳитларда суюқликни фильтрлаш муаммоларида, тескари масала муаммоларини ўрганишда ҳамда агроэкотизимни оптимал бошқаришнинг кўплаб муаммоларини математик моделлаштиришда муҳим ўрин тутади. Бу борада, жумладан, иккинчи ва учинчи тартибли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун коррект локал ва нолокал масалаларни қўйиш ва уларни ечиш учун хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сўнгги йилларда уч ўлчовли чексиз соҳаларда иккинчи тартибли параболик-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласига ўхшаш масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш, призматик соҳаларда параболик-гиперболик тенглама учун параллел характеристикалар текислигида Геллерстедт шартлари билан берилган чегаравий масалани қўйиш ва ўрганиш, чексиз цилиндрик соҳаларда иккинчи тартибли эллиптик-гиперболик тенглама учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларига ўхшаш масалаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, уч ўлчовли чексиз соҳада учинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун чегаравий масалаларни қўйиш ва тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда ҳозирги вақтда фундаментал тадқиқотларни илмий ва амалий тадбиқларга йўналтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишда уч ўлчовли соҳаларда юкланмаган ва юкланган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун классик ва ноклассик масалаларни ечишнинг самарали усулларини излашга ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, математик- физика, алгебра ва функционал анализ, динамик системалар ва оптимал бошқарув, амалий математика ва математик моделлаштириш, математик анализ ва функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математик олимларниг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилаб берилган[1]. Ушбу вазифаларни амалга оширишда,

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилаётган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори.

уч ўлчовли соҳаларда иккинчи ва учинчи тартибли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар билан бирга янги коррект локал ва нолокал масалаларни қўйиш ва ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Республикани янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 17-февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2019 йил 09-июлдаги ПҚ-4387-сон "Математик таълим ва фанни янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2020 йил 7-майдаги ПҚ-4708-сон "Математика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Чегараланган ва чегараланмаган уч ўлчовли соҳаларда юкланмаган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар М.Н.Проттер, А.В.Бицадзе, М.С.Салахитдинов, Т.Д.Джураев, А.М.Нахушев, В.Н.Врагов, Т.Ш.Кальменов, Е.И.Моисеев, С.М.Пономарев, К.Б.Сабитов, Г.Д.Каратопраклиев, В.П.Диденко, Н.Г.Сорокина, M.Shneider, С.А.Алдашев, А.М.Ежов, С.П.Пулькин, К.С.Фаязов, А.Б.Хасанов, Ю.П.Апаков ва уларнинг шогирдлари томонидан ўрганилган ва ривожлантирилган.

Илк бора, 1976 йилда юкланган хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларни А.М.Нахушев[2,3] ўрганган ҳамда уларнинг тўлиқ классификацияси келтирилган ва турли жараёнларда қўлланилиши айтиб ўтилган. Кейинчалик бу йўналиш хорижий олимлар А.И.Кожанов, К.Б.Сабитов, В.А.Дженалиев, А.Х.Аттаев, П.Агарвал, Б.С.Кишин ва республикамиз олимлари Р.Р.Ашуров, А.Б.Хасанов, Б.И.Исломов, О.С.Зикиров, Ш.Т.Каримов, Д.М.Курьязов, У.И.Болтаева, О.Х.Абдуллаевлар томонидан ривожлантирилган.

Чексиз цилиндрик ва призматик соҳаларда юкланган эллиптик-

---

[2] Нахушев А.М. Уравнения математической биологии. М.: Высшая школа. 1995. 301 с.

[3] Nakhushev A.B. Nonlocal problem and the Goursat problem for loaded hyperbolic equation and their application in prediction of ground moisture.   // Soviet Math. Dokl. 1978. Vol.19. № 5, pp. 1243-1247.

гиперболик ва параболик-гиперболик типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар шу пайтгача ўрганилмаганлиги сабабли, ушбу диссертация ишида уч ўлчовли фазода юкланган параболик-гиперболик ва эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларига ўхшаш масалалар ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Урганч давлат университетининг ЁОТ-Фтех-2018-142 рақамли “Характеристик ва нохарактеристик ўзгариш чизиқларига эга бўлган аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг бир қийматли тадқиқлари” (2018-2019 йиллар) номли давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи ва учинчи тартибли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларига ўхшаш масалаларни қўйиш ва ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уч ўлчовли чексиз соҳада иккинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласига ўхшаш масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш;

параметрнинг етарли катта қийматлари учун уч ўлчовли соҳада юкланган иккинчи тартибли параболик-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи ечимининг баҳосини олиш;

призматик соҳаларда юкланган параболик-гиперболик тенглама учун параллел характеристикалар текислигида Геллерстедт шартлари билан берилган чегаравий масалани ўрганиш;

чексиз цилиндрик соҳаларда иккинчи тартибли юкланган эллиптик-гиперболик тенглама учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларига ўхшаш масалаларни ўрганиш;

уч ўлчовли чексиз соҳада учинчи тартибли юкланган параболик - гиперболик типдаги тенглама учун чегаравий масалалар ечимлари учун мавжудлик ва ягоналик теоремаларини исботлаш;

уч ўлчовли чексиз соҳада учинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик типдаги тенглама учун турли характеристик текисликларда нормал ҳосилалар билан берилган Трикоми масаласининг аналогини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти уч ўлчовли соҳаларда иккинчи ва учинчи тартибли аралаш типдаги юкланган тенгламалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети уч ўлчовли соҳаларда иккинчи ва учинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик ва эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида математик таҳлил, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, математик физика, махсус функциялар назарияси, Фурье алмаштириши, интеграл тенгламалар усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик тенглама учун уч ўлчовли соҳада Трикоми масаласи ечимининг ягоналиги энергия интеграллари усулида, мавжудлиги эса иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламасига келтирилиб исботланган;

уч ўлчовли юкланган параболик-гиперболик ва эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун турли характеристик текисликларда Геллерстедт шартлари қатнашган чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги ноанъанавий экстремум принципига кўра, мавжудлиги эса умумий ечим кўриниши ҳамда Фурье алмаштириш формуласидан фойдаланиб исботланган;

уч ўлчовли юкланган эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун экстремум принципига кўра Трикоми масаласи ечимининг асимптотик характери топилган ҳамда фазода ва текисликда қўйилган масалаларнинг эквивалентлиги исботланган;

уч ўлчовли чексиз соҳада учинчи тартибли юкланган параболик - гиперболик тенглама учун чегаравий масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремалар исботланган;

чексиз призматик соҳада учинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик типдаги тенглама учун номаълум функциянинг ўзи ва нормал ҳосилалари характеристик текисликларда берилган чегаравий масалалар ечимининг бир қийматли ечилиши параболик-гиперболик тенгламалар учун ноанъанавий экстремум принципи ва интеграл тенгламалар назарияси ёрдамида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Уч ўлчовли соҳаларда иккинчи ва учинчи тартибли юкланган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечилиши бўйича олинган натижалардан фойдаланиб, иккинчи тартибли параболик-гиперболик тенгламаларнинг нолокал аналоглари учун бир нечта чегаравий масалаларнинг функционал фазоларда кучли ечимларини топиш мумкинлиги асосланган.

Уч ўлчовли соҳаларда аралаш типдаги тенгламалар учун ўрганилган янги масалалар динамик тизимларни моделлаштириш ва бошқарув масаларини ечишда, шунингдек, математикада самарали қўлланиладиган иккинчи ва учинчи тартибли параболик-гиперболик типдаги локал ва нолокал (юкланган ва интегро-дифференциал) тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этиш ҳамда турли физик ва биологик жараёнларни моделлаштиришда қўллаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва интеграл тенгламалар назариясининг усулларидан фойдаланиб, дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда олинган илмий натижалар уч ўлчовли чексиз соҳаларда хусусий ҳосилали аралаш юкланган дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар назариясини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти уларни аралаш типдаги тенгламалар ёрдамида уч ўлчовли соҳаларда тасвирланган амалий масалаларга қўллаш билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уч ўлчовли фазода аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

уч ўлчовли соҳада аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалалари тадқиқот натижалари “Нолокал хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий ва бошланғич-чегаравий масалаларни ечиш масалалари” мавзусидаги халқаро лойиҳада иккинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганишда фойдаланилган (Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг 2022 йил 29 мартдаги №04/792 рақамли маълумотномаси). Натижада, иккинчи тартибли параболик-гиперболик тенгламаларнинг нолокал аналоглари учун бир нечта чегаравий масалаларнинг функционал фазоларда кучли ечими мавжудлигини исботлаш имконини берган;

уч ўлчовли соҳада аралаш типдаги юкланган учинчи тартибли тенгламалар учун Трикоми ва Геллерстедт масалалари ҳамда уларни тадқиқ қилиш усуллари “Аралаш ва бир типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар, уларни бошқариш масалалари ва динамик тизимларни моделлаштиришда қўллаш” мавзусидаги ҳалқаро лойиҳада фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Кабардино-Балкар илмий маркази Амалий математика ва автоматлаштириш институтининг 2022 йил 7 апрелдаги №01-14/22 рақамли маълумотномаси). Натижада, динамик тизимларни моделлаштириш ва бошқарув масаларини ечишда, шунингдек, математикада самарали қўлланиладиган иккинчи ва учинчи тартибли параболик-гиперболик типдаги локал ва нолокал (юкланган ва интегро-дифференциал) тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этиш ҳамда турли физик ва биологик жараёнларни моделлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 8 таси илмий мақола, шундан, 4 таси хорижий ва 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникаси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, объектлар ва муаммони ўрганиш даражаси аниқланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган ҳамда тадқиқот мавзуси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Диссертация ишининг **“Чексиз призматик соҳада юкланган иккинчи тартибли параболик-гиперболик типдаги тенглама учун Трикоми ва Геллерстедт масалалари”** деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат. Ушбу бобда иккинчи тартибли хусусий ҳосилали юкланган аралаш типдаги дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар қўйилган ва ўрганилган.

1.1-параграфда уч ўлчовли чексиз соҳада иккинчи тартибли юкланган параболик-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласининг аналоги ўрганилган.

Ушбу

$$0=\begin{cases} U_y-U_{xx}-U_{zz}-\mu U(x,0,z) & (x,y,z)\in\Omega_1, \\ U_{yy}-U_{xx}-U_{zz}-\mu U(x,0,z) & (x,y,z)\in\Omega_2 \end{cases} \tag{1}$$

тенгламани қараймиз.

Ω - уч ўлчовли (x,y,z) фазонинг чексиз призматик соҳаси бўлиб, қуйидаги текисликлар билан чегараланган:

$$\Gamma_j:\ x=k,\ 0\le y\le h,\ z\in R=(-\infty,+\infty),\ k=\begin{cases}0 & агар\ j=1,\\ 1 & агар\ j=2,\end{cases}$$

$$\Gamma_3:\ y=h,\ 0\le x\le 1,\ z\in R,\ \Gamma_4:\ x+y=0,\ 0\le x\le 1/2,\ z\in R,$$

$$\Gamma_5:\ x-y=1,\ 1/2\le x\le 1,\ z\in R.$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$I=\{\ (x,y,z):0<x<1,\ y=0,\ z\in(-\infty,+\infty)\},$$

$$\Omega_1=\Omega\bigcap\{\ (x,y,z):x>0,\ y>0,\ z\in R\},$$

$$\Omega_2=\Omega\bigcap\{\ (x,y,z):x>0,\ y<0,\ z\in R\},\ l_0=\bar\Gamma_4\cap\bar\Gamma_5,\ l_1=\bar\Gamma_1\cap\bar\Gamma_4,$$

$$l_2=\bar\Gamma_2\cap\bar\Gamma_5,$$

$$D=\Omega\bigcap\{z=0\},\ \ D_k=\Omega_k\bigcap\{z=0\},\ (k=1,2),\ \ \sigma_j=\Gamma_j\bigcap\{z=0\},\ (j=\overline{1,5}),$$

$$\tilde A_k=l_k\bigcap\ \{z=0\},(k=\overline{0,2}),\quad J=I\bigcap\ \{z=0\}.$$

(1) тенглама Ω_1 ва Ω_2 соҳаларда мос равишда параболик ва гиперболик типдаги тенглама бўлади.

AT **масала.** *Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $U(x,y,z)$ функция топилсин: 1) $U(x,y,z)$ функция Ω соҳанинг чегарасигача узлуксиз бўлсин; 2) $U(x,y,z)$ функция Ω соҳада узлуксиз дифференциалланувчи бўлиб, $U_x(x,y,z)$*

ва $U_y(x,y,z)$ *функциялар* l_1 *ва* l_2 *чизиқларда бирдан кичик тартибда чексизликка интилиши мумкин; 3)* $U(x,y,z)$ *функция* $C^{2,1,2}_{x,y,z}(\Omega_1)\bigcap C^{2,2,2}_{x,y,z}(\Omega_2)$ *синфга тегишли бўлиб,* $\Omega_j\,(j=1,2)$ *соҳаларда (1) тенгламани қаноатлантирсин; 4)* $U(x,y,z)$ *функция қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:*

$$U\big|_{\Gamma_1}=\Phi_1(y,z),\quad U\big|_{\Gamma_2}=\Phi_2(y,z),\quad 0\le y\le h,\quad z\in R, \tag{2}$$

$$U\big|_{\Gamma_4}=\Psi(x,z),\quad 0\le x\le 1/2,\ z\in R, \tag{3}$$

$$\lim_{|z|\to\infty}U(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_x(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_y(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_z(x,y,z)=0, \tag{4}$$

бу ерда $\Phi_j(y,z),\Psi(x,z)$ функциялар $(-\infty,+\infty)$ оралиқда z бўйича абсолют интегралланувчи функциялар, бундан ташқари $\Phi_j(y,z)$ функция «y» нинг функцияси сифатида $C[0;h]\cap C^1(0,h)$ синфга тегишли, $\Psi(x,z)$ функция эса «x» нинг функцияси сифатида $C^1[0,1/2\,]\cap C^2(0,1/2\,)$ синфга тегишли бўлсин, шунингдек,

$$\Phi_1(0,z)=\Psi(0,z)=0,\quad \lim_{|z|\to\infty}\Phi_j(y,z)=0,\ (j=1,2),\ \lim_{|z|\to\infty}\Psi(x,z)=0. \tag{5}$$

Ушбу

$$U(x,y,z)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{+\infty}u(x,y;\lambda)e^{-i\lambda z}d\lambda \tag{6}$$

Фурье алмаштириш ёрдамида (1) тенглама қуйидаги кўринишга

$$0=\begin{cases}u_y-u_{xx}+\lambda^2u-\mu u(x,0;\lambda), & (x,y)\in D_1,\\ u_{yy}-u_{xx}+\lambda^2u-\mu u(x,0;\lambda), & (x,y)\in D_2,\quad \lambda\in R,\quad \mu<0,\end{cases} \tag{7}$$

AT масала эса эквивалент равишда қуйидаги масалага келади:

AT_λ ***масала.*** *Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи* $u(x,y;\lambda)$ *функция топилсин:1)* $u(x,y;\lambda)$ *функция* $\bar{D}$ *да узлуксиз ҳамда* $D\cup\sigma_4$ *да узлуксиз дифференциалланувчи бўлсин, шунингдек,* $u_x(x,y;\lambda)$ *ва* $u_y(x,y;\lambda)$ *функциялар* $\tilde{A}_1$ *ва* $\tilde{A}_2$ *нуқталарда бирдан кичик тартибда чексизликка интилиши мумкин; 2)* $u(x,y;\lambda)$ *функция* $C^{2,1}_{x,y}(D_1)\cap C^{2,2}_{x,y}(D_2)$ *синфга тегишли бўлиб,* $D_j,(j=1,2)$ *соҳаларда (7) тенгламани қаноатлантирсин; 3)* $u(x,y,\lambda)$ *функция қуйидаги шартларни бажарсин:*

$$u\big|_{\sigma_1}=\varphi_1(y;\lambda),\quad u\big|_{\sigma_2}=\varphi_2(y;\lambda),\quad 0\le y\le h,\quad \lambda\in R, \tag{8}$$

$$u\big|_{\sigma_4}=\psi(x;\lambda),\quad 0\le x\le 1/2,\quad \lambda\in R, \tag{9}$$

бу ерда $\varphi_1(y;\lambda),\ \varphi_2(y;\lambda),\ \psi(x;\lambda)-$ *берилган функциялар, ҳамда*

$$\varphi_j(y;\lambda)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{+\infty}\Phi_j(y,z)e^{i\lambda z}dz,\ (j=0,1), \tag{10}$$

$$\psi(x;\lambda)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{+\infty}\Psi(x,z)e^{i\lambda z}dz, \tag{11}$$

$$\varphi_j(y;\lambda)\in C\left[0;h\right]\cap C^1(0,h),\ (j=1,2), \tag{12}$$

$$\psi(x;\lambda)\in C^1\left[0,1/2\right]\cap C^2\left(0,1/2\right),\quad \psi(0;\lambda)=\varphi_1(0;\lambda)=0. \tag{13}$$

(7) тенгламанинг ихтиёрий регуляр ечими қуйидаги кўринишда ифодаланади[4]

$$u(x,y;\lambda)=\upsilon(x,y;\lambda)+\omega(x;\lambda), \tag{14}$$

бу ерда $\upsilon(x,y,\lambda)$ функция

$$0=\begin{cases}\upsilon_y-\upsilon_{xx}+\lambda^2\upsilon, & (x,y)\in D_1,\\ \upsilon_{yy}-\upsilon_{xx}+\lambda^2\upsilon, & (x,y)\in D_2\end{cases} \tag{15}$$

тенгламанинг ечими, $\omega(x,\lambda)$ функция эса қуйидаги

$$\omega''(x;\lambda)-\left(\lambda^2-\mu\right)\omega(x;\lambda)=-\mu\upsilon(x,0;\lambda),\ \ (x,0)\in J \tag{16}$$

оддий дифференциал тенгламанинг ечими.

1-изоҳ. Ихтиёрий $ach\lambda x+bsh\lambda x$ функция (15) тенгламанинг ечими бўлганлиги учун умумийликка зид бўлмаган ҳолда (14) формуладаги $\omega(x,\lambda)$ функция учун қуйидаги

$$\omega(0;\lambda)=\omega\left(1;\lambda\right)=0, \tag{17}$$

шартни олиш мумкин.

(16) ва (17) масалани ечиб, унинг ечимини қуйидаги кўринишда топамиз:

$$\omega(x;\lambda)=\frac{\mu\, shx\sqrt{\lambda^2-\mu}}{\sqrt{\lambda^2-\mu}\, sh\sqrt{\lambda^2-\mu}}\int_0^1 sh\left[\left(1-t\right)\sqrt{\lambda^2-\mu}\right]\upsilon(t,0;\lambda)dt-$$

$$-\frac{\mu}{\sqrt{\lambda^2-\mu}}\int_0^x sh\left(x-t\right)\sqrt{\lambda^2-\mu}\,\upsilon(t,0;\lambda)dt,\ x\in\overline{J}, \tag{18}$$

бу ерда $\upsilon(x,0;\lambda)=\tau(x;\lambda),\quad (x,0)\in\overline{J}.$

AT_λ масала ечимининг ягоналигини исботлашда қуйидаги лемма муҳим роль ўйнайди.

1-лемма. *Агар* $\varphi_1(y;\lambda)\equiv\varphi_2(y;\lambda)\equiv 0,\ \forall y\in\left[0,h\right],\ \psi(x;\lambda)\equiv 0,\ \forall x\in\left[0,1/2\right],$ $\lambda\in R$ *бўлса, у ҳолда*

$$\tau(x;\lambda)\equiv 0,\ \ \forall x\in\overline{J}. \tag{19}$$

1-лемма энергия интеграли усули ёрдамида исботланади.

(19) кўра (18) ифодадан қуйидаги тенгликни оламиз:

$$\omega(x;\lambda)\equiv 0,\quad \forall\, x\in\overline{J},\quad \lambda\in R. \tag{20}$$

---

[4] Исломов Б., Курьязов Д.М. Краевые задачи для смешанного нагруженного уравнения третьего порядка параболо-гиперболического типа. // “Узбекский математический журнал”. 2000. № 2. С. 29-35.

1-теорема. *Агар* AT_λ *масаланинг ечими мавжуд бўлиб, 1-лемманинг шартлари, (20) шарт ва* $\mu<0$ *тенгсизлик бажарилса, у ҳолда* D *соҳада (7) тенглама учун қўйилган* AT_λ *масала биттидан кўп бўлмаган ечимга эга бўлади.*

1-теорема параболик ва гиперболик тенгламалар учун маълум бўлган максимум принципи ёрдамида исботланади.

2-теорема. *Агар 1-теорема шартлари бажарилса, у ҳолда* Ω *соҳада (1) тенглама учун қўйилган* AT *масала биттидан кўп бўлмаган ечимга эга бўлади.*

2-теореманинг исботи 1-теоремадан келиб чиқади.

3-теорема. *Агар* $\mu<0$ *ва (8), (9) шартлар бажарилса, у ҳолда* D *соҳада (7) тенглама учун қўйилган* AT_λ *масала ечими мавжуд бўлади.*

3-теорема интеграл тенгламалар усули ёрдамида Коши масаласи ва қуйидаги чегаравий

$$\tau''(x;\lambda)-\lambda^2\tau(x;\lambda)=\nu(x;\lambda),\ x\in J,\ \lambda\in R, \tag{21}$$

$$\tau(0;\lambda)=\varphi_1(0;\lambda), \qquad \tau(1;\lambda)=\varphi_2(0;\lambda) \tag{22}$$

масала ечимидан фойдаланиб исботланади.

(6) интегралнинг мавжудлигини ва (4) шартларнинг бажарилишини таъминлаш учун $|\lambda|$ параметрнинг етарли катта қийматларида AT_λ масала ечимининг баҳосини топиш зарурдир.

4-теорема. *Агар қуйидаги*

$$\varphi_1(y;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^k ch\lambda}\right), \varphi_2(y;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^k}\right), y\in[0,h], \omega(x;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^k}\right), x\in J, \tag{23}$$

$$\omega(x;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^{k+1}ch\lambda\ th\frac{|\lambda|}{2}}\right), \omega_x'(x;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^k ch\lambda}\right), x\in\bar{\sigma}_4, \tag{24}$$

$$\psi(x;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^{k+1}ch\lambda\, th\frac{|\lambda|}{2}}\right), \quad \psi_x'(x;\lambda)=O\left(\frac{1}{|\lambda|^k ch\lambda}\right), \quad x\in\bar{\sigma}_4 \tag{25}$$

шартлар бажарилса, у ҳолда $u(x,y,\lambda)$ *функция учун* $|\lambda|$ *параметрнинг етарли катта қийматларида қуйидаги*

$$u(x,y;\lambda)=O\left(1/|\lambda|^k\right), \quad k>3 \tag{26}$$

баҳо ўринли бўлади.

(23)-(25) шартларга кўра, (26) кўринишдаги баҳонинг ўринлилиги ушбу

$$|u(x,y,\lambda)|\le ch\lambda\left\{\max_{\bar{\sigma}_1}|\varphi_1(y;\lambda)|+\frac{1}{ch|\lambda|}\max_{\bar{\sigma}_2}|\varphi_2(y,\lambda)|+\right.$$

$$+3h\max_{\bar\sigma_4}\left|\psi_x{}'(x,\lambda)\right|+3h|\lambda|th\frac{|\lambda|}{2}\max_{\bar\sigma_4}\left|\psi(x,\lambda)\right|+3h\max_{\bar\sigma_4}\left|\omega'(x;\lambda)\right|+$$

$$\left.+3h|\lambda|th\frac{|\lambda|}{2}\max_{\bar\sigma_4}\left|\omega(x;\lambda)\right|\right\}+|\omega(x;\lambda)|\le\frac{c_1}{|\lambda|^k},\quad k>3,\quad c_1=const>0 \qquad (27)$$

кўринишдаги баҳодан келиб чиқади.

2-изоҳ. (27) баҳодан AT_λ масала ечимининг ягоналиги, шунингдек, ҳар қандай тайинланган λ ларда ечимнинг турғунлиги келиб чиқади.

3-изоҳ. (26) баҳо AT масала ечимининг ва (6) интегралнинг мавжудлигини таъминлайди.

1-4 теоремаларга кўра, (1) тенглама учун қўйилган AT масаланинг ечими Ω соҳада мавжуд, ягона ва (6) формула орқали топилади, бу ерда $u(x,y;\lambda)=\upsilon(x,y;\lambda)+\omega(x;\lambda)$, $\upsilon(x,y;\lambda)$ ва $\omega(x;\lambda)$ функция мос равишда қуйидаги

$$\upsilon(x,y;\lambda)=\frac{1}{2}\left[\tau(x+y;\lambda)+\tau(x-y;\lambda)\right]+\frac{\lambda y}{2}\int_{x-y}^{x+y}\tau(\xi,\lambda)\overline{I_1}\left[\lambda\sqrt{(x-\xi)^2-y^2}\right]d\xi-$$

$$-\frac{1}{2}\int_{x-y}^{x+y}\nu(\xi,\lambda)I_0\left[\lambda\sqrt{(x-\xi)^2-y^2}\right]d\xi,\ (x,y)\in D_2, \qquad (28)$$

$$\upsilon(x,y;\lambda)=\upsilon_0(x,y;\lambda)+\int_0^y d\eta\int_0^1 M_1(x,y;\xi,\eta;\lambda)\upsilon_0(\xi,\eta;\lambda)d\xi,\ (x,y)\in D_1 \qquad (29)$$

формулалар орқали топилади, бунда

$$\upsilon_0(x,y;\lambda)=\int_0^y G_{1\xi}(x,y;0,\eta)\varphi_1(\eta,\lambda)d\eta+\int_0^y G_{1\xi}(x,y;1,\eta)\varphi_2(\eta,\lambda)d\eta+$$

$$+\int_0^1 G_1(x,y;\xi,0)\tau(\xi;\lambda)d\xi, \qquad (30)$$

$G_1(x,y;\xi,\eta)$ функция $\upsilon_{xx}-\upsilon_y=0$ тенглама учун биринчи чегаравий масаланинг Грин функцияси, $M_1(x,y;\xi,\eta;\lambda)$ эса $-\lambda^2G_1(x,y;\xi,\eta)$ ядро резольвентаси, $\omega(x;\lambda)$ - (18) формула орқали аниқланади.

5-теорема. *Агар текисликда (7) тенглама учун қўйилган AT_λ масаланинг ечими мавжуд бўлиб, (14), (18), (28), (29) формулалар орқали топилса ва $|\lambda|$ параметрнинг етарли катта қийматларида (26) баҳо ўринли бўлса, у ҳолда Ω соҳада (1) тенглама учун қўйилган AT масаланинг ечими мавжуд бўлиб, (6) формула орқали топилади.*

5-теорема Риман леммаси[5] ва Фурье алмаштиришнинг хоссаларидан фойдаланиб исботланади.

4-изоҳ. 5-теоремадан AT и AT_λ.масалаларнинг эквивалентлиги келиб

[5] Самко С.Г., Кильбас А.А., Маричев О.И. Интегралы и производные дробного порядка и некоторые их приложения. Минск, Наука и Техника, 1987. 668 с.

чиқади (ёки 5-теореманинг тескари теоремаси ҳам ўринли бўлади).

1.2- ва 1.3-параграфларда уч ўлчовли соҳаларда юкланган параболик-гиперболик тенглама учун параллел ва турли характеристик текисликларда Геллерстедт шартлари билан берилган чегаравий масалалар (AG ва $A\Gamma_j$) ўрганилган. AG масала Фурье алмаштириши усули ёрдамида ечилган. AG масала, (1) тенглама ва чегаравий шартлар Фурье алмаштириши усули ёрдамида текисликда спектрал параметрли Геллерстедт масаласига ўхшаш масалага (AG_λ масала) келтирилади. AG ва AG_λ масалалар ечимининг ягоналиги иккинчи тартибли аралаш типдаги юкланган тенгламалар учун мавжуд бўлган экстремум принципи ёрдамида исботланади. Ечимнинг умумий кўринишидан фойдаланиб, AG ва AG_λ масала ечимининг мавжудлиги интеграл тенгламалар усули ёрдамида исботланади. Бундан ташқари, спектрал параметрнинг етарли катта қийматлари учун AG_λ масала ечимининг асимптотик характери ўрганилган. Бажарилган амалларнинг тўғрилигини таъминловчи етарли шартлар топилган. $A\Gamma_j\left(j=1,2\right)$ масалаларнинг бир қийматли ечилиши ҳам худди шундай усул ёрдамида кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Уч ўлчовли фазода эллиптик-гиперболик типдаги юкланган тенглама учун Трикоми ва Геллерстедт масалалари”** деб номланган **иккинчи бобида**, чексиз цилиндрик соҳада иккинчи тартибли юкланган эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун Трикоми ва Геллерстедт масалаларига ўхшаш масалалар ўрганилган.

2.1-параграфда чексиз цилиндрик соҳада юкланган иккинчи тартибли эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун Трикоми масаласига ўхшаш масала ечилган.

Ушбу

$$0=\begin{cases}U_{yy}+U_{xx}+U_{zz}+\mu U\left(x,0,z\right), & \left(x,y,z\right)\in\ \Omega_1,\\ U_{yy}-U_{xx}-U_{zz}-\mu U\left(x,0,z\right), & \left(x,y,z\right)\in\ \Omega_2\end{cases}\qquad(31)$$

тенгламани қараймиз.

Ω -уч ўлчовли соҳа бўлиб, қуйидаги сиртлар билан чегараланган:

$$S_0:\left(x-\frac{1}{2}\right)^2+y^2=\frac{1}{4},\ y\geq 0,\quad z\in R=(-\infty,+\infty),$$

$$S_1: x+y=0,\quad 0\leq x\leq 1/2,\ z\in R,\qquad S_2: x-y=1,\ 1/2\leq x\leq 1,\ z\in R.$$

(31) тенглама Ω_1 ва Ω_2 соҳаларда мос равишда эллиптик ва гиперболик типдаги тенглама бўлади.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$I=\left\{\left(x,y,z\right):\ 0<x<1,\ y=0,\ z\in R\right\},$$

$$J=I\cap\ \left\{z=0\right\},\ \Omega_1=\Omega\cap\left\{\ (x,y,z): x>0,\ \ y>0,\ z\in R\right\},$$

$$\Omega_2=\Omega\cap\left\{\ (x,y,z): x>0,\ y<0,\ z\in R\right\},$$

$$A_0(0,0,z)=\bar{S}_0\cap\bar{S}_1,\ \ A_1(1,0,z)=\bar{S}_0\cap\bar{S}_2,\ \ A_2\left(1/2,-1/2,z\right)=\bar{S}_1\cap\bar{S}_2,$$
$$D=\Omega\bigcap\left\{z=0\right\},\ D_j=\Omega_j\bigcap\left\{z=0\right\},\ (j=1,2),\ \ \sigma_j=S_j\bigcap\left\{z=0\right\},\ (j=\overline{0,2}),$$
$$\tilde{A}_l=A_l\bigcap\ \left\{z=0\right\},(l=\overline{0,2}).$$

T **масала**. *Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи* $U(x,y,z)$ *функция топилсин: 1)* $U(x,y,z)\in C\left(\bar{\Omega}\right)\bigcap C^1\left(\Omega\bigcup S_1\right)$, *шунингдек,* $U_y(x,y,z)$ *функция* A_0 *чизиқда бирдан кичик тартибда чексизликка интилиши мумкин ва* A_1 *чизиқда чегараланган бўлсин; 2)* $U(x,y,z)$ *функция* Ω_1 *ва* Ω_2 *соҳаларда (7) тенгламанинг икки марта узлуксиз дифференциалланувчи ечими бўлсин; 3)* $U(x,y,z)$ *функция қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:*

$$U\big|_{S_0}=\Phi(x,z),\quad 0\le x\le 1,\quad U\big|_{S_1}=\Psi(x,z),\quad 0\le x\le 1/2,\quad z\in R,\tag{32}$$

$$\lim_{|z|\to\infty}U(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_y(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_x(x,y,z)=\lim_{|z|\to\infty}U_z(x,y,z)=0\,,\tag{33}$$

бу ерда $\Phi(x,z),\Psi(x,z)$ *функциялар* $(-\infty,+\infty)$ *оралиқда z бўйича абсолют интегралланувчи функциялар, бундан ташқари* $\Phi(x,z)$ *ва* $\Psi(x,z)$ *функциялар мос равишда «x» нинг функцияси сифатида* $C\left(\bar{I}\right)$ *ва* $C^3\left[0,1/2\right]$ *синфларга тегишли бўлсин, шунингдек*

$$\Psi(0,z)=\Phi(0,z)\,,\ \lim_{|z|\to\infty}\Phi(x,z)=\lim_{|z|\to\infty}\Psi(x,z)=0\,.\tag{34}$$

(31) тенглама учун T масала ечимини (6) Фурье интеграли кўринишида излаймиз. Натижда ушбу тенглама

$$0=\begin{cases}u_{yy}+u_{xx}-\lambda^2u+\mu u(x,0,\lambda), & (x,y)\in D_1,\\ u_{yy}-u_{xx}+\lambda^2u-\mu u\left(x,0;\lambda\right), & (x,y)\in D_2,\ \lambda\in R,\quad \mu<0,\end{cases}\tag{35}$$

учун (T масалага эквивалент бўлган) қуйидаги масалага эга бўламиз:

T_λ **масала.** *Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи* $u(x,y,\lambda)$ *функция топилсин: 1)* $u(x,y,\lambda)\in C\left(\bar{D}\right)\cap C^1\left(D\cup A_0A_2\right)$, *синфга тегишли бўлиб,* $u_y(x,0,\lambda)$ *функция* $x\to 1$ *да чегараланган,* $x\to 0$ *да эса бирдан кичик тартибда чексизликка интилиши мумкин; 2)* $u(x,y,\lambda)$ *функция* D_1 *ва* D_2 *соҳаларда иккинчи тартибли узлуксиз дифференциалланувчи бўлиб, (35) тенгламани қаноатлантирсин; 3)* $u(x,y,\lambda)$ *функция қуйидаги*

$$u\big|_{\sigma_0}=\varphi(x,\lambda),\quad 0\le x\le 1,\quad u\big|_{A_0A_2}=\psi(x,\lambda),\quad 0\le x\le\frac{1}{2},\quad \lambda\in R\tag{36}$$

шартларни бажарсин, бу ерда $\varphi(x,\lambda)$, $\psi(x,\lambda)$*-берилган функциялар, шунингдек,* $\varphi(0,\lambda)=\psi(0,\lambda)$,

$$\varphi(x,\lambda)=\left[\frac{1}{4}-\left(x-\frac{1}{2}\right)^2\right]^{\frac{\varepsilon}{2}}\varphi_0(x,\lambda),\varphi_0(x,\lambda)\in C\left(\bar{I}\right),\varepsilon\ge 1,\ \psi(x,\lambda)\in C^3\left[0,1/2\right].\tag{37}$$

(35) тенгламанинг ҳар қандай регуляр ечимини қуйидаги кўринишда

ифодаланади[6]:

$$u(x,y;\lambda)=\vartheta(x,y;\lambda)+\theta(x;\lambda), \qquad (38)$$

бу ерда $\vartheta(x,y;\lambda)$, $\theta(x;\lambda)$ функциялар қуйидаги

$$0=\begin{cases}\vartheta_{yy}+\vartheta_{xx}-\lambda^2\vartheta \quad в \ D_1,\\ \vartheta_{yy}-\vartheta_{xx}+\lambda^2\vartheta \quad в \ D_2,\end{cases} \qquad (39)$$

$$\theta''(x;\lambda)-\left(\lambda^2-\mu\right)\theta\left(x;\lambda\right)=-\mu\vartheta(x,0;\lambda) \qquad (40)$$

тенгламаларнинг ечими.

5-изоҳ. Ихтиёрий $ach\left[\sqrt{\lambda^2-\mu}\cdot x\right]+bsh\left[\sqrt{\lambda^2-\mu}\cdot x\right]$ функция (39) тенгламанинг ечими бўлганлиги учун умумийликка зид бўлмаган ҳолда (38) формуладаги ихтиёрий $\theta(x,\lambda)$ функция учун қуйидаги

$$\theta(0,\lambda)=\theta'(0,\lambda)=0 \qquad (41)$$

шартни бўйсиндириш мумкин.

(40) ва (41) масалани ечимини ушбу

$$\theta(x,\lambda)=-\frac{\mu}{\sqrt{\lambda^2-\mu}}\int_0^x sh\left[\sqrt{\lambda^2-\mu}\cdot(x-t)\right]\tau(t,\lambda)dt, \qquad (42)$$

кўринишда топамиз, бу ерда $\tau(x;\lambda)=\vartheta(x,0;\lambda)$.

D соҳада (38) формулага кўра (35) тенглама учун қўйилган T_λ масала эквивалент ҳолатда қўйидаги

$$\vartheta\big|_{\sigma_0}=\varphi(x,\lambda)-\theta(x,\lambda),\ 0\le x\le 1,\ \vartheta\big|_{A_0A_2}=\psi(x,\lambda)-\theta(x,\lambda), 0\le x\le 1/2, \lambda\in R \qquad (43)$$

шартларни бажарувчи (39) тенглама учун T_λ^* масаласига келтирилади, бу ерда $\theta(x;\lambda)$ функция (42) формула орқали аниқланади.

2-лемма. *Агар* $\varphi(x;\lambda)\equiv\psi(x;\lambda)\equiv 0,\ \forall x\in[0,1],\ \lambda\in R$ *бўлса, у ҳолда*

$$\tau(x;\lambda)\equiv 0,\ \forall x\in[0,1]. \qquad (44)$$

тенглик ўринли бўлади.

2-лемма А.В. Бицадзенинг[6,8] экстремум принципи аналоги ёрдамида исботланади.

(42) ва (44) тенгликлардан

$$\theta(x,\lambda)\equiv 0,\quad \forall x\in[0,1],\quad \lambda\in R \qquad (45)$$

тенглик келиб чиқади.

T_λ^* масала ечимининг ягоналиги қуйидаги баҳодан ва 2-леммадан келиб чиқади:

$$\left|\vartheta(x,y;\lambda)\right|\le ch\left|\lambda\right|\left\{\max_{\bar\sigma_0}\left|\varphi(x;\lambda)\right|+\max_{\bar\sigma_0}\left|\theta(x;\lambda)\right|+\right.$$

$$\left.+M_1\left[\max_{\widetilde{A}_0\widetilde{A}_2}\left|\psi'(x;\lambda)\right|+\max_{\widetilde{A}_0\widetilde{A}_2}\left|\theta'(x;\lambda)\right|+\left|\lambda\right|th\frac{\left|\lambda\right|}{2}\max_{\widetilde{A}_0\widetilde{A}_2}\left|\psi(x;\lambda)\right|+\left|\lambda\right|th\frac{\left|\lambda\right|}{2}\max_{\widetilde{A}_0\widetilde{A}_2}\left|\theta(x;\lambda)\right|\right]\right\}. \qquad 46)$$

---

[6] Бицадзе А.В. Некоторые классы уравнений в частных производных. М.: Наука. 1981. – 448 с.

Ҳақиқатдан ҳам, 2-лемма шартлари ҳамда (45) ва $\mu<0$ шартларга кўра, (46) баҳодан $\vartheta(x,y,\lambda)\equiv 0,\ \ (x,y)\in\bar{D}$ тенгликни оламиз. Бунга ва (45) тенгликка асосан, (38) формуладан $u(x,y,\lambda)\equiv 0,\ (x,y)\in\bar{D}$ тенгликка эга бўламиз. Шундай қилиб, қуйидаги теоремани исботладик:

6-теорема. *2-лемма шартлари ва (45), $\mu<0$ шартлар бажарилса, D соҳада (35) тенглама учун қўйилган T_λ масала биттадан кўп бўлмаган ечимга эга бўлади.*

7-теорема. *Агар 6-теореманинг шартлари бажарилса, у ҳолда Ω соҳада (31) тенглама учун қўйилган T масала биттадан кўп бўлмаган ечимга эга бўлади.*

7-теореманинг исботи 6-теорема ва (6) формуладан келиб чиқади.

T масала ечимининг мавжудлиги интеграл тенгламалар усули ёрдамида исботланади. T масала ечимининг мавжудлигини исботлаш учун, авваламбор (35) ва (39) тенгламалар учун мос равишда қўйилган T_λ ва T_λ^* масалалар ечимининг мавжудлиги исботланади.

8-теорема. *Агар (37) ва $\mu<0$ шартлар бажарилса, у ҳолда D соҳада (35) тенглама учун қўйилган T_λ масаланинг ечими мавжуд бўлади.*

8-теорема (35) тенглама учун қўйилган Коши ва N масалалари ечимидан фойдаланиб, интеграл тенгламалар усули асосида исботланади.

(6) интегралнинг мавжудлигини ва (4) шартларнинг бажарилишини таъминлаш учун $|\lambda|$ параметрнинг етарли катта қийматларида T_λ масала ечимининг баҳоси

$$u(x,y;\lambda)=O\left(1\big/|\lambda|^{\gamma}\right),\quad \gamma>3. \tag{47}$$

кўринишда бўлиши 1-боб § 1.1 келтирилган 4 теоремага ўхшаш исботланади.

6-изоҳ. (6) интегралнинг ва T масала ечимининг мавжудлиги (47) баҳодан келиб чиқади.

